

ЯПОНИЯНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

Азизов Сирож Шодманкулович

Ташқи Ишлар Вазирлиги, PhD

Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети,

мустақил изланувчи

azizovs2016@gmail.com

ANNOTATSIYA:

Maqolada Yaponiyaning tsivilizatsiya rivojlanishini o'rganish ko'rib chiqiladi. Tadqiqotning maqsadi umrining 40 yildan ortiq qismini yapon sivilizatsiyasini, ayniqsa, uning madaniyati tarixini o'rganishga bag'ishlagan sharqshunos olim, akademik Nikolay Iosifovich Konrad faoliyatini atroflicha tahlil qilishdan iborat. N.Konrad birinchilardan bo'lib yapon madaniyatiga Sharq va G'arb madaniyatlari bilan qiyosiy yondashuvni qo'llay oldi, bu esa keyinchalik yapon sivilizatsiyasining jahon madaniyatiga qo'shgan hissasini yangicha baholash imkonini berdi. Ushbu tadqiqotning asosiy xulosasi shundan iboratki, N.Konrad merosi yapon tarixi, madaniyati, adabiyoti va tilini o'rganishda fundamental ahamiyatga ega bo'lib, uning yapon adabiyotiga oid tarjima va sharhlari yapon xalqi va uning turmush tarzini tushunishda muhim vositaga aylandi.

Kalit so'zlar: yapon sivilizatsiyasi, tarixi, madaniyati, adabiyoti, tili, N.Konrad, sharqshunoslik, Xojoki, Ise monogatari, Manyoshu, Gendzi monogatari, Kojiki, Nixongi, Noh teatri, Kabuki, yaponshunoslik.

АННОТАЦИЯ:

В статье рассматривается изучение цивилизационного развития Японии. Целью исследования является тщательный анализ деятельности учёного востоковеда, академика Николая Иосифовича Конрада, который больше 40 лет посвятил свою жизнь изучению японской цивилизации, особенно истории её культуры. Н. Конрад считается одним из первых, кто смог применить сравнительный подход к японской культуре с культурами Востока и Запада, что позволило в последующем по-новому оценить вклад японской цивилизации в мировую культуру. Основным выводом данного исследования считается, что наследие Н. Конрада является основополагающим при изучении японской истории, культуры, литературы и языка, а также его переводы и комментарии японской литературы стали важным инструментом для понимания японского народа и их образа жизни.

Ключевые слова: японская цивилизация, история, культура, литература, язык, Н. Конрад, востоковедение, Ходзёки, Исе моногатари, Манъёсю, Гэндзи моногатари, Кодзики, Нихонги, театр Но, Кабуки, японоведение.

Япониянинг бошқа мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон билан ўзаро муносабатлари истиқболларини белгилашда ва умумий тараққиётга интилишга асосланган узок муддатли, ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорлик учун япон цивилизациясининг шаклланиши, маданий ва тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда рус-совет шарқшунос олими, академик Николай Иосифович Конрадининг (1891-1970 йиллар) фаолияти илмий мероси япон цивилизациясини ўрганишда, айниқса, унинг маданияти тарихини тушунишда катта роль ўйнайди. Олимнинг асарлари, хусусан, “Ўрта асрлар Японияси маданияти тарихи очерки” тарих, дин, фалсафа, мафкура, санъат, адабиёт ва турмушни қамраб олган фундаментал тадқиқотлардир. У биринчилардан бўлиб япон маданиятини Шарқ ва Ғарб маданияти билан қиёсий ёндашувни қўллаган, бу эса япон цивилизациясининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини янгича баҳолаш имконини берган.

Н.Конрадининг шарқшуносликни барча соҳалари бўйича етук даражада мутахассис бўлишида унга табиатан берилган фавқулудда юксак салоҳият, шахс-индивидуал истеъдод ва албатта, зарур ташқи-ташкилий қулай имкониятларнинг ўзаро муносиб келиши ҳал қилувчи бўлди.

Осиё шарқидаги мамлакатларни, хусусан, Японияни ўрганишда рус шарқшунослигидаги мавжуд кемтикларни тўлдириш, унинг илмий, ўқув-педагогик ва ташкилий фаолияти натижаси бўлган.

Олим 40 йил давомида педагогикадан бошлаб, Япон ва Хитой халқларининг тили, адабиёти, санъати, тарихининг асосий босқичлари, фалсафасини ўрганиб, зарур назарий-амалий базага эга шарқшунос сифатида намоён бўлади.

Н.Конрадининг ўқувчилиги вақтида қизиқиши ижтимоий тараққиётда илгарилаб кетган мамлакатлардан Япониянинг мўъжизаси омилларини билишга интилиши, хусусан, тарихан дастлабки ҳақида ёзиш биринчи инконият бўлиши билан амалга ошди.

Шунга кўра унинг илмий фаолияти илк қадами педагогикадан бошланган ва “Япониядаги ҳозирги бошланғич таълим” (“Современная начальная школа Японии”. Санкт-Петербург. Сенатская типография. 1913. 150 с. “Журнал Министерства народного образования. Новая серия”, т. XLVI, авг., т. XVII,

сент., т. XLVIII, окт) асарида Кунчиқар мамлакатнинг ҳар томонлама илгарилаб кетишига, умуман таълим тизимининг, хусусан, олти йиллик бошланғич таълим йўлга қўйилишининг ўрни ёритилган. Муаллифнинг илк асарига бир нечта ижобий тақризлар эълон қилинган.

Шундан кейин тадқиқотчи Япон педагогикаси билан махсус касбий шуғулланмаган бўлса-да, йирик, обрўли нашрлар энциклопедиялар учун чуқур мазмунли мақолалар ёзиб турган.

Унинг Японияни илмий ўрганиши хронологик 1921 йилдан бошланган. Академик қизиқишлари кенг диапазон касб эта бошлаган ёш тадқиқотчи фаолиятида японшунослик тобора етакчи ўрин тутиб, бу соҳа гуманитаристикаси асосий жиҳатларини қамрай бошлаган “Ориёл университети ахборотлари”да “XII аср бошларидаги Япон адабиётларидан” Комо-но Тёмэининг “Хужрадан хабарлар” (“Ходзёки”) асари эълон қилинган.

Сўнгра “Қадимги Япониянинг лирик кассаси “Исе моногатарэ” адабий ёдгорликлари мукамал таржима, сўзбоши ва шарҳлар билан “Жаҳон адабиёти” сериясида 186 саҳифалик ҳажмда Петроградда алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. Бироз вақт ўтиб, чоп этилган “Япон адабиёти намуналарда ва очеркларда” асарининг биринчи жилди оғзаки ва ёзма бадиий адабиётни ўрганиш билан бирга юксак маҳорат кўрсатиб, қилинган таржималари ҳам эълон қилинган.

Кўринадик, муаллиф тадқиқотчилиги илк босқичдан адабиётшунослик, бадиий асарлар ва уларнинг таржимасини амалга оширишга хийла эътибор қаратган. Бу йўналишнинг қатор мавзуларида олимнинг фаолияти турли-туман жадалликда давом этиб, 10 йилча вақт ичида Нара-Хэйан давлари бадиий тафаккурининг таҳлилига бағишланган асарлари ва япон адабиётининг ўтмишли босқичларидан ҳар хил жанрларида 15 тачасининг таржимаси эълон қилинди. Улар ичида К.Масумэнинг 300 саҳифалик ҳажмдаги “Қалб” асарига сўз боши ёзилиб, япон эртакларидан қилинган таржималар, шунингдек, Н.Конрад доимий муалифларидан бўлган, ўша вақтда чиқиб турган “Шарқ” тўпламини келтириш мумкин.

Японлар ўтмишида хотинлар иштирокида яратилган жаҳоний шох асар “Манъёсю” (Беҳисоб япроқлар мажлиси) поэтик антологиясининг ва мустақил шаклланган жанрдаги машҳурлик “Гэндзи-моногатарэ” (Гэндзи ҳақида қисса) романининг тадқиқида Н.Конрад кўрсатадики, булар ўрта асрлар адабиёти ривожланишига хос қонуниятни ифодалайди. Муаллиф бу роман билан боғлиқликда мустақил бадиий-ижодий метод бўлган реализмнинг келиб чиқишини мулоҳаза қилади.

Олимнинг танқидчилик салоҳияти шундаки, у япон ўтмиш адабиётини замонавий санъат масалалари билан қўшиб ўрганади. Айни вақтда қўшни халқлар адабиётлари билан типологик жиҳатлари ҳам этибордан четда қолмаган.

Шарқшунос кўрсатадики, Японияда узок давом этган қадимги даврдан Ўрта асрларга ўтиш XI-XIII асрларда юз бергани етиб келган ёзма ёдгорликларда, биринчи навбатда, “Кодзики” (Қадимги тарих) ва “Нихонги” (Япония тарихи) да келтирилишича, ороллардан иборат мамлакат қўшнилари – Хитой, Корея ва Ҳиндихитой таъсирида ўша даврдаги цивилизацияга тортилди, шундан бошлаб япон маданияти тегишли мазмун ва шаклларда ривожланиш йўлига кирган.

Н.Конрад аниқладики, милодий иккинчи минг йилликнинг дастлабки асрларидан амалда бўлган Но театри шу типдаги расмана маданий ўчоғ сифатида иш кўрган. Сўнгра Кабуки театри фаолият кўрсатган вақт тобора замонавийлик касб этган. Н.Конрадининг таъкидлашича, Кабуки алоҳида жанр сифатида ўзининг театр биносига, драматургияга, актёрлар мактаби ижро усули ва ҳатто ташкилий тузилишига эга ҳисобланган. Унинг асарлари мазмуни тарихий, халқ ҳаёти ва диний соҳалар фаолияти материаллари асосида шакллантирилган.

Японшуносликнинг театрчилик соҳаси тадқиқотчилигида Н.Конрад қўғирчоқлар театри тавсифига ҳам зарур ўрин ажратган. Унинг японшуносликдан олиб борган илмий тадқиқотлари, таржимачиликни йўлга қўйиб кўплаб асарлар эълон қилгани яна шу жиҳатдан ҳам эътиборлики, булар Максим Горкий, С.Радлов, А.Мейерхольд каби таниқли ёзувчи, файласуф ва театр арбобларининг эътиборини тортди.

Япон тилининг зўр билимдони Н.Конрадининг бу соҳага доир тадқиқотчилиги, дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратиш бўйича фаолияти ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. 1937 йилда 375 саҳифали “Япон миллий адабий тилининг синтаксиси ” дарслиги, кейинг йилларда бу тилнинг грамматикасига оид ишлари ҳамда хрестоматия, луғатлар ва дастурларини тузганлиги муҳим эди.

Кенг қамровли шарқшунос бўлган Н.Конрадининг кўп қиррали илмий ва амалий фаолияти японшуносликдан бошланган. Бу соҳага умрининг охиригача содиқ қолган бўлсада, хитойшунослик билан ҳам шуғулланиб, бетакрор салоҳиятни намоён қилиб келди.

Универсал салоҳиятга эга бўлган Н.Конрад асослаган янги шарқшунослик таркибида Шарқий Осиё мамлакатлари тарихнавислиги ҳам юксак савия касб

этган. Россия анъанавий шарқшунослигида бўлган тилшунослик, адабиётшунослик ва диний фалсафа бирлигидаги тадқиқотчилик ўрнида мустақил йўналишдаги тармоқлар қарор топди.

Тарих масалалари замонавий илмий-методологик позициядан ёритилиб борилди. Бу соҳада 1923 йилда ёзилган “Япония: халқ ва давлат” илк тарихий асрида умуммаданий анъаналардан келиб чиқиб, сиёсий ва ижтимоий ривожланишни мулоҳаза қилинади. Яъни, сиёсий шаклларнинг ижтимоий муносабатлардаги оърни ёритилганки бунда муаллиф Кунчиқар мамлакат халқи ҳаётининг ўзига хос кечганини кўрсатган. Н.Конрадда, гарчи марксизмнинг қабул қилган бўлсада, “ишлаб чиқариш усулининг” белгиловчилиги эмас балки ижтимоий-маданий, яъни цивилизациявий омилларнинг ҳал қилувчилиги таъкидланади.

Н.И.Конрад Кунчиқар мамлакатнинг тарихини ўрганар экан, кўрсатадики, бу ерда кул ва кулдор боғлиқлигидаги тарихий-ижтимоий босқичнинг бошланғич вақти нисбатан узоққа чўзилди. Унинг тақдири Европа тарихчилигида қабул қилинган ном билан ифодаланганда феодализмнинг бошланиши билан ниҳоясига етди. “Япон феодализи масалалари” асаридан бошлаб бутун фаолияти давомида Н.И.Конрад ўрта асрлар Осиё шарқида кечишидаги ўзига хосликлар ва Ер юзининг бошқа қисмлари тарихидаги ва шундай босқичга мос вақтларидаги умумийликларини тадқиқ этди.

Япониянинг ороллардан иборатлиги туфайли ташқи алоқалар ўзига хос, маълум жиҳатлардан чекланиб ривожланди. Лекин бу табиий омил Хитой, Корея ва Ҳиндихитойдан алифбодан тортиб, диний-фалсафий тизимлар, моддий ва маънавий-маданий қадриятларнинг анчасини кириб келишига, тўғрироғи, қабул қилинишига тўсиқ бўлмади.

Япон жамияти ҳаётига жиддий таъсир кўрсатган буддавийлик, гарчи Ҳиндистонда келиб чиққан бўлсада, таркибига ҳозирги Ўзбекистоннинг катта қисми ҳам кирган туркий Кушон давлатида ҳадди аълосига кўтарилиб, бу ердан Хитойга ва Кунчиқар мамлакат оролларида ҳам етиб бориб, давлат дини даражасига кўтарилган эди. Шу вақтда Японияга Хитойдан конфуцийчилик ҳам кириб келган. Бу жараён типологик жиҳатдан насронийликнинг Европадаги таъсири ва кейинроқ Ислон динининг янги цивилизациявий миқёс касб этиб тарқалиши натижалари билан муқоясаланади.

Япониянинг ўрта асрлари тарихини ўрганган Н.Конрад таъкидлайдики, мамлакат ҳудудий тавсифи муайян жиҳатлардан оролларга тўғридан тўғри бостириб келиш иложсиз бўлганини кўрсатади лекин денгиздаги бўрон мўғўллар армадасини сувга ғарқ бўлишига қадар жиддий хавф мавжуд

бўлмаган эди. Иккинчи марта 2,5 асрдан кўпроқ онгли равишда ўз-ўзини ихота қилиши европаликларнинг мамлакатга суқилиб киришига имкон бермаганлиги, айтиш мумкинки, японлар фойдасига ишлади.

Фақат XIX аср ўрталарида Америка ҳарбий флотининг талаби билан портларнинг очилиши, Япониянинг ўз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва албатта иқтисодий жиҳатлардан Ғарб цивилизацияси доирасига тўла тортилиши (Конституция қабул қилиниши, Парламентнинг бошланиши, олий таълим, савдо-иқтисодий муносабатлар ва ҳоказолар) билан яқунланди. Майдзи инқилоби натижасида бир авлоднинг кўзи олдида, бир неча 10 йилликлар ичида Япония империалистик давлатлар сафида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Шундай қилиб, Н.Конраднинг асарлари япон цивилизациясини ўрганишда алоҳида ўрин тутди ҳамда уни тушуниш ва жаҳонда оммалаштиришга катта ҳисса қўшди. Олимнинг япон тарихи, маданияти, адабиёти ва тили билан тизимли равишда шуғуллангани боис, унинг илмий ишлари ҳали ҳам фундаментал ҳисобланади.

Унинг асарларида Япониянинг қадимдан то янги давргача бўлган тараққиёти таҳлил қилинган, япон цивилизациясининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг бошқа маданиятлардан фарқларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга Н.Конраднинг илмий меросида инсониятнинг турли қисмлари маданият соҳасида доимо бир-бири билан мулоқотда бўлган ва бу мулоқотсиз яшай олмаслиги ғояси таъкидланади.

Н.Конрад япон тилининг ажойиб билимдони сифатида япон адабиётининг муҳим асарларини, жумладан, мумтоз романлар ва пьесаларни таржима қилгани Япониянинг бой маданий мероси билан бошқа халқларни танишишига имконини берган. Унинг таржималари ва уларга шарҳлари япон менталитети ва қадриятлар тизимини тушуниш учун муҳим восита бўлди.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР

1. Гольдберг Д.И. Вклад Н.И. Конрада в исследование общих проблем и закономерностей всемирной истории // Проблемы истории и теории мировой культуры. М.: Наука, 1974.
2. Гришелева Л.Д. Формирование японской национальной культуры. М.: Наука, 1986.
3. Гулыга А.В. Н.И. Конрад как философ // Проблемы истории и теории мировой культуры. М.: Наука, 1974.

4. Кирквуд К. Ренессанс в Японии. М.: Наука, 1988. 303 с.
5. Конрад Н.И. Заметки о смысле истории // Вестник истории мировой культуры. 1961. № 2.
6. Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: Наука, 1966.